


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 8 август, № 166 (7668) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2020 йил 7 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.**



Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Парламент юқори палатаси аъзолари томонидан 16 та масала, шу жумладан, 8 та қонун кўриб чиқилди. Ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ҳамда "Узрепорт" телеканалида тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Ялпи мажлиснинг расмий қисмига ўтишдан аввал ўзбек ва қорақалпоқ элининг забардаст фарзанди, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Сенат аъзоси Муса Тажетдинович Ерниязов хотирасига бир дақиқалик сукут сақланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, "Таълим тўғрисида"ги Қонун 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, таълим сифатини таъминлашга қўйилаётган бугунги талабларга жавоб бермайди. Мазкур янги қонуннинг қабул қилиниши эса таълим масаласининг тарбия билан узвий боғлиқлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим ва тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим турини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, мактабгача таълим тизимидан бошлаб умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, касб-ҳунар таълими, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълимнинг узвийлигини, мазмун жиҳатидан кетма-кетлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Қолаверса, бошланғич, касб-ҳунар таълими, касб-ҳунар мактабларида IX синф битирувчилари негизида бепул асосда кундузги таълим шаклида умумтаълим ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида таълим амалга оширилиши белгиланмоқда.

Қонунда таълим муассасаси ходимлари, таълим олувчилар ва ота-оналарнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, таълим жараёни қатнашчиларининг ижтимоий ҳимояси, таълим жараёнида меҳнат қилаётган минглаб мутахассисларнинг, миллионлаб ота-оналарнинг ҳуқуқий мақомига, уларнинг ижтимоий муҳофазасига доир жиҳатларга, айни вақтда мажбуриятларига ойдинлик киритилмоқда.

Шунингдек, қонун эндиликда таълимнинг нодавлат шаклини ривожлантиришга, жамиятимизда интеллектуал мулк салоҳиятидан самарали фойдаланиш, илм-маърифатга доир иш жойлари кенгайишига имкон беради.

Мажлисда сенаторлар янги таҳрирдаги қонун кўплаб ҳамюртларимиз олий таълим, хорижда олинган таълим бўйича дипломларни тан олиш, таълим олувчилар учун вақтинча яшаш жойларини кафолатлаш, масофавий таълим, оилавий таълим, инклюзив таълим сингари ўз саволларига ечим топишга қийналаётган масалаларга ҳуқуқий ойдинлик киритилгани билан аҳамиятли бўлишини таъкидлади.

Сенат аъзолари мазкур қонунни маъқуллади.

Сўнгра кун тартибидаги навбатдаги масала — "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилиш талаблари паст бўлиб, бугунги бозор шароитида самарасиз бўлган, эскирган норма ва қоидаларни ўзида мужассам этиб келмоқда. Хусусан, меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар бир нечта қонуности меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, янги иш ўринларини ташкил этиш ва касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича давлат буюртмаси механизмлари кўрсатилмаган. Шу жиҳатдан бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, меҳнат бозори ва меҳнат миграцияси билан боғлиқ янги муносабатларни қонуний тартибга солиш зарурати ҳам вужудга келмоқда.

Янги таҳрирдаги "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун эса ушбу йўналишдаги фаолиятни тартибга солиш мақсадларига хизмат қилади.

Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашда замонавий касбий ва меҳнат стандартларини жорий этиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг механизмларини тартибга солиш ва такомиллаштиришда дастуриламал бўлади.

Қонунда биринчи марта иш билан таъминлашнинг самарали ва истиқболли йўналишлари — касбий малака ва компетенцияни ривожлантириш миллий тизими, меҳнат дафтарчалари ва шартномаларининг электрон ҳисобини юритишни назарда тутувчи ягона миллий меҳнат тизими жорий этилмоқда.

Уларнинг киритилиши бандликни таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланиб, меҳнат бозори тўғрисида тўлиқ маълумот тўплаш ва олишга имкон беради. Айниқса, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида жуда муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Қонуннинг қабул қилиниши меҳнат бозори ва бандликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, миллий ишчи кучи сифатини ошириш учун рағбатлантиришни ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштиришни кучайтириш, ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантиришни мустаҳкамлайди.

Шунингдек, меҳнат бозорида замонавий инфратузилма ва институционал муҳитни яратиш, меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, шахсларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва ўзини ўзи банд қилишга жалб этиш имкониятлари ортади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Янги таҳрирдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, қонуннинг янги таҳрирда ишлаб чиқилиши зарурати бугунги кунда одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига доир аниқ қоидалар тартибга солинмаганлиги ҳамда вояга етмаганларнинг савдосига қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан, идентификация қилиш, ёрдам бериш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги билан ифодаланмоқда.

Янги таҳрирдаги қонунда ана шу жиҳатлар эътиборга олинган. Жумладан, соҳага оид асосий тушунчалар ва тамойиллар, уни давлат томонидан тартибга солишга оид нормалар, ваколатли давлат органлари, Миллий комиссия, ҳудудий комиссиялар ва Миллий маърузачига оид меъёрлар аниқ белгиланган.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатса, уларнинг 100 га яқини одам савдосига қарши курашиш борасида иш олиб бормоқда. Қонунда мазкур йўналишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига кўмаклашувчи ташкилотлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам белгиланиб, уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ очиб берилмоқда.

Шу билан бирга, амалдагидан фарқли ўлароқ қонуннинг янги матнида одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби ва жабрланганлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш ва уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ва бошқа кафолатлари ёритилмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизда илгари бўлмаган одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бобда белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Сенат аъзолари мазкур қонунни маъқуллади.

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бир неча объектив сабаблар билан боғлиқ. Жумладан, амалдаги 1996 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонун мамлакатда маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини тизимли ҳал этишни таъминлай олмайди. Қолаверса, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича босқичма-босқич қарор қабул қилиш тартиби мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилмаган ва тартибга солинмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур масалаларда чуқур таҳлил этилмаган қарорларнинг қабул қилинишига замин яратиб келаётир. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ваколатлари ва вазифалари аниқ белгилаб берилмаган, шунингдек, тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар белгиланмаган.

➡ 2



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ҚАЙ ДАРАЖАДА ОШМОҚДА?

ДЕПУТАТЛАР САВОЛЛАРИГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЖАВОБ БЕРДИ.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги "Ҳукумат соати"да депутатлар пандемия даврида аҳоли томорқаларида етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш, тайёрлаш, сақлаш ва бошқа логистика хизматларини йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Халқ вакилларининг ушбу масала юзасидан саволларига Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Ходжаев жавоб берди.*

### «Ҳукумат соати»

Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги оғир пандемия шароитида қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, биринчи навбатда, республика аҳолисининг сифатли ва арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, қолаверса, маҳсулотлар экспортининг барқарорлигини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ҳудудларда замонавий агрологистика марказларини ташкил этиш борасида муайян саъй-ҳаракатлар олиб борилялти.

Хусусан, 2020 йилнинг биринчи ярмида 8 та агрологистика марказини ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, амалда 923,2 млрд. сўм инвестиция маблағлари ҳисобига 9 та агрологистика маркази ишга туширилди ва 3 497 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, мамлакат Президентининг тегишли қарорига кўра, ҳозирги вақтда Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида йирик агрологистика марказларини ташкил этиш учун жами 72,3 гектар ер майдони ажратилган. Бу борадаги лойиҳалаш юмушлари якунлангандан сўнг, қурилиш ишларини 2021 йилнинг январь ойидан бошлаш ва 2022 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

➡ 3

## БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ҲОЛАТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг видеоконференция шаклидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг Давлат божхона қўмитаси томонидан ижро этилишига оид масала кўриб чиқилди.*

Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси масъулларининг ахборотлари тингланди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётгани, коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз кераклиги таъкидланган эди.

Бу борада айнан божхона органларида "Хавфни бошқариш" автоматлаштирилган ахборот тизимини автомобиль чегара божхона постларида жорий этиш, темир йўл транспортида ташилаётган товарлар бўйича юридик шахслар, вагон, контейнер, ҳаракатланиш ҳудуди ёки сақланаётган (тўхтаб турган) темир йўл станцияси тўғрисида электрон маълумотларни божхона органига реал вақт режимида тақдим этиш амалиётининг йўлга қўйилиши соҳадаги коррупцион ҳолатларга барҳам беришга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

➡ 3

### Брифинг

## АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ТЕСТ СИНОВЛАРИ 2 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2020/2021 ўқув йили учун тест синовларининг ташкил этилиши, олиб борилаётган тайёргарлик ишлари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликларининг оммавий ахборот воситалари учун брифинги ташкил этилди.*

Брифингда пандемия туфайли янги ўқув йили учун тест синовлари барча санитария-гигиена талабларига риоя қилинган ҳолда, 2 сентябрдан бошлаб мамлакатимизнинг марказий стадионларида бўлиб ўтиши маълум қилинди.

— Имтиҳонлар 40 га яқин стадионларда ўтказилиши режалаштирилган, — деди Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт вазири Дилмурод Набиев. — Стадионларда абитуриентлар учун барча шароитни яратишга эътибор қаратилаётир. Соябонлар қўйилиши масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

➡ 3

### Олий Мажлис Сенати

## ХАЛҚЧИЛ ВА МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Кеча пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди. Сенаторлар томонидан кун тартибига қўйилган масалалар атрофлича муҳокама қилиниши билан бирга, шу кеча-кундузда жамиятимизда кузатилаётган долзарб муаммолар юзасидан ҳам фикрлар ўртага ташланди.*

*Сенаторлар халқ вакили сифатида жойларда аҳоли билан мулоқотни янада жонлантириши, пандемия муносабати билан олиб борилаётган давлат сиёсатининг фаол ижрочиларига айланиши лозимлиги таъкидланди.*

*Кун тартибига киритилган 16 та масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:**

— Пандемия шароитида юқори палатанинг олтинчи ялпи мажлиси ҳам онлайн тарзда ўтказилди. Шундай бўлса-да, йиғилишда кўрилган ҳар бир масала бўйича ҳудудлар манфаатларига қай даражада жавоб беради, деган нуқтаи назардан хулосалар қилинди.

Сенаторларимиз томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги қонун мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

➡ 3

### Муносабат

## Олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонлари стадионларда ўтказилади

*Коронавирус пандемияси, шубҳасиз, турмуш тарзимизни ҳам ўзгартириб юборди. Шу боис бугунги кунда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тестлари қачон, қаерда ва қай тартибда ўтказилиши ҳамда 2020/2021 ўқув йилида таълим жараёни қандай ташкил этилиши барчани ўйлантирмоқда.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 6 август куни ўтказган йиғилишда айни шу масалалар муҳокама қилинди.*

*Ушбу йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ва уларнинг ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан 3-саҳифада танишасиз.*

➡

УЙДА ҚОЛИНГ!

Бунёдкорлик:

## УЛКАН САЛОҲИЯТ, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР



*Бугун биз шиддат билан ривожланаётган даврда яшаяпмиз. Шу боис ҳар бир йўналишда ишни аниқ, пухта ва инновацияга асосланган режалар асосида юритиш лозим. Бу жиҳат, айниқса, қурилиш соҳасида жуда муҳим. Чунки қурилишдаги озгина хатолик ҳам нохушликка олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Кейинги пайтларда тураржойлар тобора кўкка бўй чўзиб, ўта замонавийлашиб бораётганини инобатга олсак, бу қурувчилар зиммасига янада катта масъулият юклайди, уларни доимий изланишда бўлишга ундайди, албатта.*



### Ислоҳот

Айтиш жоизки, мамлакатимизда сўнгги пайтларда мазкур соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жойларда илгари қўл урилмаган янгиликлар жорий этилиб, бутун бошли "ақлли" шаҳарлар, замонавий мавзелар пайдо бўляпти. Улардаги нафақат бинолар, балки қулайликлар ҳам кишини ҳайратга солади. Ахир ўзгача дизайн, ўзгача инфратузилма, ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма қулайликлар бир жойда жам бўлган манзилда яшаш кимга ёқмайди, дейсиз?! Буларнинг барчаси қўлигул, фидойи, жонкуяр қурувчиларимиз меҳнати шарофати, албатта.

Юртимизда эса бошқа касб соҳиблари сингари, қурувчилар ҳам доимий эътиборда. Уларнинг меҳнати қадрда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан, август ойининг иккинчи якшанбаси қурувчилар куни сифатида нишонланиб келмоқда. Мана, учинчи йилдирки, соҳа вакиллари ушбу байрамни кўтаринки кайфият ҳамда юксак меҳнат марралари билан қарши олишмоқда.

Келинг, биз ҳам шу баҳона бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига бир назар ташласак, истиқболда қилиниши лозим бўлган ишларга тўхталиб ўтсак.

➡ 4

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1

Яна бир жиҳат. Амалдаги қонун қабул қилинганда 31 моддадан иборат бўлган ва бугунги кунда уларнинг 15 таси турли сабабларга кўра ўз кучини йўқотган.

Мажлисда сенаторлар мазкур янги қонун амалдаги “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонундан бир қатор асосий қоидаларнинг мавжудлиги билан ажралиб туришини қайд этди.

Хусусан, ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилишда давлат органларининг ваколатлари ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш механизмлари ўрнатилган ва мазкур масалаларда махсус комиссиялар тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ҳуқуқий нормалар асосида белгиланмоқда. Шунингдек, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларида қабул қилинган қарорларга жойларда амал қилиниши механизмлари жорий этилмоқда. Мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги “Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Қонун тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ва экспертлар иштирокида ҳар томонлама ўрганиб чиқилгандан сўнг, уни тамомила қайта кўриб чиқиш зарур деган хулосага келинди.

Аввало, ҳужжатда ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий бирикмалар ва тавсия этилган кимёвий ҳамда биологик воситалар, ўғитлар ва бошқа препаратларнинг рўйхати келтирилмаган. Шунингдек, улардан самарали ва безарар фойдаланишнинг асосий мезон ҳамда меъёрлари очиб берилмаган.

Бундан ташқари, қонунда ўсимликларни ҳимоя қилиш объектлари ҳамда субъектларини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалалар акс этмаган. Қолаверса, қишлоқ хўжалигида халқаро талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни етиштиришда пестицидлар стандарт меъёрларини таъминлаш мақсадида радиологик, токсикологик кузатув ва ташхисларга доир жиҳатлар ёритилмаган.

Шу билан бир қаторда, қонунда янги пестицидлар ва агрокимёвий воситаларни рўйхатга олиш ва воситани Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат бериш талаблари баён этилмаган. Аграр тармоқда ўсимликларнинг янги навлари, турларини жорий этиш натижасида зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг аввал учрамаган турлари тарқалишини ўрганиш масалаларига доир нормалар белгиланмаган.

Экспертларнинг фикрича, қонун нормаларини ўсимликлар карантини ва уларнинг муҳофазаси тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиш лозим. Бундан ташқари, қонун моддаларининг баён этилиши қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайди.

Қонунда тартибга солинадиган жамоатчилик муносабатларининг аҳамиятини эътиборга олиб, сенаторлар ушбу қонун концепциясини қайта кўриб чиқишни, унга комплекс ёндашиб, халқаро нормаларни имплементация қилиб, такомилига етказишни, шунингдек, амалдаги қонунларни хатловдан ўтказиш ва уларга ушбу қонуннинг қоидаларини киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

Сенат аъзолари олтинчи ялпи мажлисда “Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни ҳам кўриб чиқди.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали парламент назорати ташкил қилишга қаратилган ушбу қонун билан парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятига оид бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, амалдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Олий Мажлис палаталари фақат ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитишга ҳақлилиги белгиланган бўлса, киритилаётган ўзгартишга асосан Қонунчилик палатаси ва Сенат ҳукумат аъзолари ва давлат органлари раҳбарларидан ташқари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳам ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда.

Қонунларга киритилаётган янгиликлардан бири парламент назоратининг тури ҳисобланмиш парламент текшируви институтини жонлантириш ва кенгроқ қўллаш амалиётини жорий қилишга қаратилган.

Сабаби парламент текширувини ўтказиш бўйича амалдаги тартибда бир қатор камчиликлар мавжуд эди. Хусусан, Олий Мажлис палаталарида парламент текширувини ўтказиш борасида алоҳида қарор қабул қилиш имконияти йўқ эди.

Ўз ўрнида, парламент текширувини ўтказиш зарурати юзага келганда уни ўтказиш ташаббусини келишиш жараёни, яъни қарор қабул қилиш заруратини муҳокама қилиш ва уни маъқуллаш жараёни парламент ҳар иккала палаталарида босқичма-босқич амалга оширилиши мураккаб бўлиб, бу асоссиз равишда ортиқча вақтни талаб қиларди.

Шунга кўра, мазкур қонун билан парламент текшируви Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг алоҳида қарори билан ёхуд Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан ўтказилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, ўзгартишларга асосан, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар юзасидан парламент, депутат ва сенатор сўровлари кимнинг номига юборилган бўлса, ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифасини бажариши юклатилган шахс томонидан жавоб берилиши белгиланмоқда. Бу эса сўровларнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади.

Яна бир ўзгартиш — қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш самарадорлиги ошишига ҳамда қонун лойиҳалари сифатининг яхшиланишига қаратилган. Унга кўра, Қонунчилик палатасида амалга ошириладиган биринчи ўқишдаги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза билан, қоида тариқасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили, кейинги ўқишларда эса масъул қўмита вакили сўзга чиқиши белгиланмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида резерв ва захира офицерларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ йўналишдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ягона кўринишга келтиришга, соҳада қўлланиладиган тушунча, атама ва номланишлар бир хил талқин этилиши имконини беради.

Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан кўзланган асосий мақсад:

* ҳарбий хизматга қабул қилиш ва ҳарбий хизматдан бўшатиш мезонларини аниқ белгилаб бериш;

* сержант унвони ўрнига янгидан киритилган I, II, III даражали сержант унвонлари ҳамда кема таркибидаги унвонларда бўлган ўзгаришларни қонун ҳужжатларида акс эттириш;

* илгари Мудофаа вазирлиги ваколатида бўлган ҳарбий кийим-кечакда юриш тартиб-қоидаларини белгилаш ваколатини куч тузилмалари мавжуд вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарларига бериш;

* олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш ҳарбий тайёргарлик ўқув марказлари ва курсларида олиб борилиши мумкинлигини белгилаш.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар амалдаги қонунчилик ҳужжатларини мувофиқлаштириш ҳамда қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга замин яратади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг сенаторлар томонидан ушбу қонун маъқулланди.

Сўнгра “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди.

Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги 2018 йилда қабул қилинган қонуннинг қўлланиши жараёнида, агентликлар чет элда ишлаш истагини билдирган фуқаролардан маблағлар йиғиб олиб, эгаларини ишга жойлаштирмасдан маблағларни талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилгани таъкидланди.

Шу каби жиноятлар, яъни 7 123 нафар фуқарога 72 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар етказганликлари учун 10 та хусусий бандлик агентлиги раҳбарларига жиноят ишлари қўзғатилган.

Хусусан, “Human” хусусий бандлик агентлиги раҳбари томонидан 1086 нафар фуқародан 21,2 миллиард сўм миқдорида, “Korean and Migrations” агентлиги раҳбари томонидан 2317 нафар фуқародан 22,2 миллиард сўм миқдоридаги пул маблағлари ўзлаштирилган.

Мазкур қонун билан бу каби салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида чет эллардан иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни иш қидираётган шахслардан эмас, балки иш берувчидан ундириш белгиланмоқда.

Шунингдек, хусусий бандлик агентлиги мансабдор шахсларига нисбатан қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик ҳам назарда тутилган.

Иш билан таъминлашда бандлик агентликлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида кўрсатадиган хизматлар бўйича шартномалар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиб борилади.

Бундан ташқари, республикадан ташқарида иш қидираётган фуқароларимизни ишга жойлаштириш кафолатларини ошириш мақсадида хусусий бандлик агентликларининг чет эллик иш берувчи, шериклар билан ёзма шаклда ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиши ҳам зарурий шарт қилиб белгиланган.

Қонунга киритилаётган ўзгартишлар бугунги кундаги долзарб масалаларнинг ҳал этилиши, фуқаролар турмуш фаровонлиги ошишига замин яратади. Сенаторлар томонидан ушбу қонун маъқулланди.

Сўнгра кун тартибидаги навбатдаги масала — 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, ҳукумат томонидан 163 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда 121 та чора-тадбирлар дастури ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган Дастур ижросини таъминлаш ва доимий мониторинг қилиб бориш юзасидан яхлит тизим яратилган.

Ҳисобот даврида хорижий инвестиция ва кредитлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробар кўп ўзлаштирилган. Жами хизматлар ҳажми 2,6 фоизга ошган.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилган.

Таъкидланганидек, коронавирус пандемияси оқибатида мамлакатимизда ҳам иқтисодиёт тармоқларидаги ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайган. Хусусан, республикамизда экспорт ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 22,6 фоиз қисқарган.

Дастурга мувофиқ, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилиши лозим бўлган 118 та банддаги топшириқларнинг 3 таси ўз вақтида бажарилмаган.

Жумладан, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини кучайтириш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилиниши таъминланмаган.

Сенаторлар ҳукумат ҳисоботи муҳокамаси жараёнида пандемия ва карантин шароитида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича етарлича чоралар кўрилмаганлиги оқибатида аҳоли орасида айрим эътирозлар юзага келаётганига эътибор қаратди.

Истеъмол маҳсулотлари ва дори воситаларининг нархлари асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш борасида электрон назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича вазифалар ижроси талаб даражасида таъминланмаганлиги таъкидланди.

Мамлакатимиздаги эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, касалликларнинг олдини олиш, коронавирусга шубҳа бўлган фуқароларни шифохоналарга етказиш, аҳолига карантин талабларини мунтазам тушунтириш ва бу жараёнларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда жойларда маҳалла идораларининг иштирокини кескин кучайтириш зарурлигига урғу берилди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг ички ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 6 ойи якуни бўйича жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, соҳада амалга оширилган тизимли ишлар натижасида умумий жиноятларнинг 20 497 таси ёки 95,2 фоизи фош этилган. Тергов органлари қидирувида бўлган 1 051 нафар шахс ушланган ва 261 нафар бедарак йўқолганлар топилган.

Ички ишлар органлари ташаббуси билан 4 158 та жиноят аниқланган. Республикадаги жами 9 145 та маҳалланинг 66,3 фоизида ёки 6 061 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 6 ойида республика миқёсида 21 535 та жиноят қайд этилган бўлиб, 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 63,3 тадан тўғри келган.

Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг 6 ойи давомида қайд этилган қотиллик жиноятларининг ҳар учинчиси *(71 таси, 35 фоиз),* оғир тан жароҳати етказиш жиноятларининг 76 таси *(20,5 фоиз)* оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган.

Шу билан бирга, оилавий низоларга ўз вақтида барҳам берилмаганлиги оқибатида 5 940 та оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, уларнинг аксарияти, яъни 52,6 фоизи *(3 123 таси)* Тошкент, Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Хусусан, оила-турмуш доирасида тазйиққа учраган хотин-қизларнинг 2 776 нафарига “ҳимоя ордери” берилган.

Ёшлар билан ишлашда ҳануз кўплаб муаммолар сақланиб қолаётганлиги, уларни бартараф этишга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги оқибатида жорий йилнинг 6 ойида республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят *(4 988 та ёки 23,2 фоиз)* ёшлар томонидан содир этилган бўлса, шундан 1315 таси ёки 6 фоизи иш билан банд бўлмаган ёшлар томонидан содир этилган.

Бундан ташқари, 3 мингдан ортиқ *(3 198 нафар)* ишсизлар томонидан жиноятлар содир этилганлиги жойларда аҳолини иш билан таъминлаш масалалари самарали ҳал этилмаётганини кўрсатади.

Республика бўйича умумий йўл-транспорт ҳодисалари сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайган *(2 564/2 388)* бўлса-да, йўлларда ҳаракатланиш учун хавфсиз шароит етарли даражада ташкил қилинмаганлиги оқибатида 730 нафар шахс вафот этган. 2 297 нафари эса турли даражада тан жароҳати олган.

Шу билан бирга, деярли ҳар иккинчи *(2 388 тадан 1 017 таси)* йўл-транспорт ҳодисалари белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириш оқибатида содир этилганлиги жойларда фото-видео қайд этиш мосламаларидан фойдаланиш ишларини янада жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан бевосита жойларга чиқиб ўтказилган ўрганишларда тизимда муаммо ва камчиликлар учраётгани аниқланди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида профилактика инспекторининг ҳар ойлик ҳисоботини эшитиш номигагина ўтказилиб, айрим ҳолларда эса, умуман ўтказилмасдан қолган.

Аксарият ҳолатларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам тегишли туман ва шаҳар ички ишлар бўлимлари ҳисоботларини эшитиш жараёнида мазкур тузилмалар раҳбар ходимларининг иштироки тўлиқ таъминланмаган.

Шу билан бирга, ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш борасида амалга оширилган ижобий ишларга қарамасдан ходимларининг 3027 нафари хизмат интизомини бузиш ҳолатига йўл қўйган бўлса, 52 нафар ходим эса жиноятга қўл урган.

Масалан, жорий йилда Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ходимлар томонидан содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари аҳоли орасида кенг муҳокамаларни юзага чиқариб, ички ишлар органларига нисбатан салбий фикрнинг шаклланишига сабаб бўлди.

Сенаторлар томонидан нотинч оилалардаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда уларни ижтимоий-маънавий томондан қўллаб-қувватлаш борасида идоралараро ишчи гуруҳ тузиш, қолаверса, оилавий ажримларга сабаб бўлаётган ота-оналарнинг масъулиятини белгилаш бўйича амалдаги қонунчиликка ўзгартиш киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, ҳудудларда “Жамоатчилик назорати масканлари” ва “Фидокор ёшлар” тузилмалари аъзолари ва профилактика инспектори ёрдамчиларининг хизмат фаолиятини ҳамкорликда тизимли ташкил этиш, “жиноят камайишига эришилмаган” маҳаллаларда манзилли уйма-уй юриб, профилактик ҳисобда турган шахслар, нотинч оилалар ва уюшмаган ёшлар билан профилактик ишлар тизимли олиб борилиши шартлиги таъкидланди.

Мажлисда кўриб чиқилган ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнг сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг жорий йил биринчи ярим йиллигида вазирлик фаолияти юзасидан ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, вазирлик томонидан мамлакатимиз ташқи сиёсатини амалга ошириш, хорижий мамлакатлар билан муносабатларда, халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг давлат манфаатларини ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян фаолият олиб борилмоқда. Бунда вазирлик ва идоралар, муассасаларнинг халқаро алоқаларни ривожлантириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида Туркия ва Россия Федерациясига олий даражадаги расмий ташрифлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижий меҳмонларнинг қабуллари, 20 дан ортиқ олий даражадаги онлайн-мулоқотлар ташкиллаштирилди. Парламентлараро ҳамкорликни ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, ҳисобот даврида жами 58 та хорижий парламентлар ва халқаро ташкилотлар даражасидаги ташриф ва учрашувлар, онлайн-мулоқотлар ташкил этилди. Коронавирус пандемияси шароитида Ташқи ишлар вазирлиги ўз функционал вазифалари доирасида хорижда қийин аҳволга тушиб қолган 11 мингдан ортиқ фуқароларимизга моддий ёрдам кўрсатиш, 95 мингдан ортиқ фуқароларни Ўзбекистонга қайтариб олиб келиш, шунингдек, мамлакатимиздаги 7 мингдан ортиқ хорижий фуқароларни ўз ватанига юбориш тадбирларига ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари кўмагида 2020 йил бошидан буён мамлакатимизга 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, Сенат томонидан ўтказилган ўрганиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида муҳокама қилиш жараёнида Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятида қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Алоҳида эътибор мамлакатимиз манфаатлари йўлида нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш вазифаларига қаратилди.

Шунингдек, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантириш соҳаларида республика ҳудудларига амалий кўмак бериш, жойларда тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдаги билим ва малакасини ошириш ҳамда меҳнат миграцияси муаммоларини ҳал қилишдаги фаолияти етарли самара бермаяпти.

Хусусан, хорижий давлатлар билан ҳудудлараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида вилоятлар мутасаддилари учун ўқув машғулоти ва тренинглар тизими шу кунгача йўлга қўйилмаган. Ҳудудлардан тушаётган маълум лойиҳалар ва инвестицион таклифлар жавобсиз қолмоқда.

Вазирликнинг чет эллардаги фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга тегишли кўмак ва сифатли консуллик хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тартиби жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ижтимоий тармоқлардаги кўплаб хабарларни бунга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Ялпи мажлисда очиқ ва ҳар томонлама мунозара натижасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди идораларга тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 2019 йилда ва 2020 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот эшитилди.

Таъкидланганидек, Сенатнинг ишчи гуруҳи томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қарор ва дастурлар, чора-тадбирлар ижроси ҳолати ўрганилди.

Мамлакат меҳнат бозори таҳлили асосида ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, янги иш ўринлари ташкил этиш учун давлат буюртмасини ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини ишга жойлаштириш учун квоталар белгилаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, республикада 2020 йил 1 апрель ҳолатига меҳнат ресурслари сони 19,1 миллион кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос давридагига нисбатан 0,6 фоиз кўпайган.

Бундан ташқари, меҳнат органларига мурожаат қилган ишсизларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш, қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шаҳар ва туманларни обод қилиш, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этиш орқали ишга жалб қилиш бўйича муайян чора-тадбирлар олиб борилган.

Хусусан, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг фаолияти 2019 йилда жисмоний ва юридик шахсларга “Ягона ойна” тамойили асосида хизмат кўрсатиш тизимига ўтказилган ҳамда 773,4 минг жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатилган.

“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, вазирлик томонидан хусусий бандлик агентликларининг реестри шакллантирилган. 2020 йил январь — апрель ойларида 2891 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилган.

Мажлисда ўрганиш давомида вазирлик фаолияти самарадорлигининг пастлиги ҳамда қатор муаммо ва камчиликлар аниқлангани таъкидланди.

Жумладан, 2019 йилда республика бўйича иш сўраб мурожаат қилган 773 минг нафар фуқаронинг фақат 46 фоизи ишга жойлаштирилган бўлса, 2020 йилнинг 4 ойида мурожаат қилган 273 минг нафар фуқародан 40 фоизининг бандлиги таъминланган, холос.

Хусусий иш берувчиларнинг амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ бюроларга бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот тақдим қилиб боришлари йўлга қўйилмаган.

Янги иш ўринларини яратишни рағбатлантириш орқали ишсизликни қисқартириш йўналишидаги фаолиятни ҳам қониқарли, деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги қарорида республика бўйича жами 370 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши белгиланган.

Ушбу масалада ҳам вазирлик Низомида белгиланган, мамлакат меҳнат бозори таҳлили асосида аҳоли бандлигини ташкил этиш, ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини ишга жойлаштириш учун квоталар белгилаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш каби қатор вазифаларнинг ижроси талаб даражасида ташкил этилмаган.

Бундан ташқари, ёшларни, шу жумладан, қишлоқ жойларида, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаган.

Яна бир жиҳат. Вазирлик тизимидаги ҳозиргача амалда бўлган ўқув курсларининг шакли ва ўқитиш сифати даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Масалан, амалда қўллаб келинаётган ўқув тизимининг ҳозирги шакли билан миллионлаб ишсиз аҳолини қамраб олишнинг иложи йўқ.

Шу билан бирга, фуқароларнинг меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва уларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш масалалари йўналишида ҳам бир ечимини кутаётган қатор муаммоларга эътибор қаратилди.

Хусусан, вазирлик томонидан Низомдаги, мамлакат фуқароларининг меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва уларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш вазифалари талаб даражасида бажарилмаётганлиги натижасида 2019 йилда ва 2020 йилнинг ўтган даврида умумий меҳнат миграцияси оқимида ташкиллаштирилган миграция улуши ўртача 9 фоизни ташкил этган.

Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар томонидан Россия Федерациясида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу парламент сўрови фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Президентнинг виртуал ҳамда халқ қабулхоналари, Омбудсман, ҳудудлардаги ҳокимликлар, Россия Федерациясидаги мамлакатимизнинг дипломатик миссияларига юборилган мурожаатлар асосида шакллантирилган.

Россия Федерациясида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг долзарб муаммоларини ҳал этиш масаласи Сенатнинг диққат марказида турганлиги, Ўзбекистон — Россия парламентлараро ҳамкорлик бўйича қўшма комиссияси фаолиятининг марказий мавзуларидан бири эканлиги таъкидланди.

Россия томони билан ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш тўғрисида иккита битим, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни ташкилий асосда қабул қилиш, уларнинг республикадан ташқаридаги иш жойига хавфсиз етиб боришини таъминлашнинг қулай шарт-шароитларини яратиш тўғрисида шартномалар тузилганлигига қарамай, эришилган давлатлараро битимларни тегишли равишда бажариш билан боғлиқ жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Мисол учун, Москва шаҳридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхонасининг маълумотларига кўра, Россияда меҳнат фаолиятини олиб бораётган барча меҳнат мигрантларининг 25,4 фоизи тегишли патентни расмийлаштирмай ишламоқда. Яъни Россия қонунчилигига кўра, ноқонуний фаолият олиб бормоқда.

Икки томонлама битимлар борлигига қарамай, фуқароларни ишга ташкилий тарзда жойлаштириш кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Масалан, 2019 йилда Россияда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хусусий агентликлар томонидан ташкилий тарзда қабул қилиш орқали 1425 киши ишга жойлаштирилди.

Тартибсиз меҳнат миграциясининг мавжудлиги, меҳнат мигрантларининг жамиятга мослашуви паст даражадалиги билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаганлиги, рус тилини, Россия Федерациясининг меҳнат ва миграция тўғрисидаги қонун ҳужжатларини суст даражада билиш фуқароларимизнинг ҳуқуқларини таъминлашда кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Сенаторлар хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳукумат олдида турган устувор масалалар сирасига киришини таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сўнгра қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби жиноятлар содир этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси суриштирув ва тергов органларида, жазони ижро этиш муассасаларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби жиноятлар содир этилиши ҳолатини ўрганди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Яна бир жиҳат, 2019 йилда биринчи марта БМТнинг Қийноққа қарши курашиш қўмитасига Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенцияда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг маърузаси билан бирга, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Муқобил маърузаси ҳам киритилди.

Бироқ аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар ва суд амалиётининг таҳлили ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлаб турилган, қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ноқонуний таъсир чоралари қўлланилиши ҳолатлари ҳамон учраётганини кўрсатмоқда. Жумладан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номига мазкур масалалар бўйича 2017 йилда 24 та, 2018 йилда 101 та, 2019 йилда 138 та ва 2020 йилнинг 25 май ҳолатига 40 та мурожаат келиб тушган. Кўриниб турибдики, вакил номига келиб тушаётган шикоятлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ушбу мурожаатларнинг барчаси назоратга олинган ҳолда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ва Ички ишлар вазирлигига юборилган.

Бироқ юборилган мурожаатларнинг бир қисми юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув натижалари ҳақида маълумотномалар вакилга тақдим этилмай келмоқда.

Бош прокуратура томонидан берилган маълумотларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимлари ва бошқа шахслар Жиноят кодексининг 235-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги натижасида 96 нафар шахсга нисбатан жами 25 та жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг 2017 йилда 8 нафари, 2018 йилда 4 нафари ва 2019 йилда 6 нафари жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, судлар томонидан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ 2017, 2018 ва 2019 йилларда жами 21 та иш кўрилиб, 38 нафар ходимга нисбатан ҳукм чиқарилган.

Бу каби ҳолатларнинг учраши аҳолининг ҳақли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва одил судловга нисбатан ишончнинг йўқолишига олиб келмоқда.

Қолаверса, мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторларининг Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик субиндикатори бўйича 212 та давлат орасида Ўзбекистон 136-ўринни эгалламоқда. “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг Ҳуқуқ устуворлиги индексининг Асосий (фундаментал) ҳуқуқларнинг таъминланганлиги индикатори бўйича 128 та мамлакат ичида Ўзбекистон 110-ўринни эгаллаб келмоқда.

Шунга асосан, Олий Мажлис Сенати қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби жиноятлар содир этилиши ҳолати ва қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурасига парламент сўрови юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари томонидан мамлакатда аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишда юзага келаётган муаммолар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги уч йилда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилиб, 2025 йилгача жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиали, Россия давлат жисмоний тарбия, ёшлар, спорт ва туризм университетининг Самарқанд филиали, Беларусь давлат жисмоний тарбия университети билан ҳамкорликда қўшма жисмоний тарбия, спорт ва туризм факультети фаолият бошлаган.

Қолаверса, 2019 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ 244,2 миллиард сўм ҳисобига 69 та спорт объекти қурилган. Олис ва чекка қишлоқларда жами 421 та енгил конструкцияли кичик спорт заллари ва сунъий қопламали спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилган.

2019 йилда оилалар ўртасида жами 53 мингдан ортиқ оммавий спорт мусобақалари ўтказилиб, уларга 4,2 миллион нафардан зиёд фуқаролар жалб қилинган.

Мажлисда олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда соҳада қатор муаммолар ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, ҳудудларда яратилган спорт иншоотлари аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаяпти.

Республикада мавжуд жами 51 583 та спорт иншоотининг 87 фоизи туманларда ва 13 фоизи шаҳарларда жойлашган. Улар жами 1,3 миллион ўринга эга бўлиб, мамлакат аҳолисининг фақатгина 4 фоизини қамраб олмоқда.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда республика бўйича қўшимча 421 та спорт иншоотига эҳтиёж мавжуд. Ушбу эҳтиёжлар, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сирдарё, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида юқорилигича қолмоқда.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида баскетбол майдончаларини қуриш учун 96 фоиз (194 та) шаҳар ва туманда ер майдони ажратилмаган. Спорт иншоотларини паспортлаштириш ишлари талаб даражасида олиб борилмагани оқибатида республикада мавжуд 51 583 та спорт иншоотининг 46 фоизи паспортлаштирилмаган.

Шунингдек, умумтаълим мактабларини спорт заллари билан таъминлаш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги жами 9 942 та умумтаълим мактабининг 24 фоизида (2 359 та) спорт заллари мавжуд эмас.

Республикада 3,8 миллиондан зиёд бандлиги таъминланмаган ёшларни оммавий спортга жалб қилиш учун 248,5 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилишига қарамай, бундай тадбирларга уларнинг атиги 10 фоизигина қамраб олинган.

Шунингдек, Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда “Ю-репорт” ижтимоий рақамли платформасида юртимиздаги спорт иншоотларининг бугунги ҳолати ва фаолияти юзасидан ўтказган сўровнома натижалари ҳам соҳада бир қатор муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатди.

Саккиз мингга яқин иштирокчилар қамраб олинган сўровнома натижаларига кўра, ёшларнинг 49 фоизи жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланмайди, 20 фоизи спортнинг бирор-бир тури билан қамраб олинмаган. 19 фоиз иштирокчилар учун спорт тўгаракларининг нархи қиммат. 64 фоиз ёшлар спорт иншоотларига транспорт орқали боришга ёки узоқ вақт пиёда юришга тўғри келиши ноқулайлик туғдираётганини билдирган. 64 фоиз ёшлар ўз маҳаллаларида спорт иншоотлари йўқлигини ва спорт мусобақалари етарлича ташкил этилмаётганини қайд этган. Бу борада, айниқса, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида аҳвол қониқарсиз эканлиги маълум қилинган.

Айниқса, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Ҳар бир маҳаллада футбол майдони” дастури ижроси қарийб 6 мингта маҳаллада таъминланмаган. Масалан, Андижон вилоятида 867 та, Самарқанд вилоятида 790 та, Тошкент вилоятида 708 та ҳамда Фарғона вилоятида 700 та футбол майдончалари қурилмаган.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, спорт мактабларини малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мамлакатда аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишда юзага келаётган муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш бўйича Сенат қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати.**

# ХАЛҚЧИЛ ВА МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



1

Аслида мазкур ҳужжатнинг амалдагиси қабул қилинганига қарийб 25 йил бўлгани унинг бугунги кун талабларига, давлатимизнинг бу борадаги фаол сиёсатига тўғри келмаслигини кўрсатади. Замон ўзгарди, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, қўшни давлатлар билан алоқалари ҳам аввалгидан тубдан фарқ қилади.

Шуларни инобатга олган ҳолда қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Унда юртимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилди. Шунингдек, тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар белгиланди.

Хусусан, ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилишда давлат органларининг ваколатлари ва вазифалари аниқ белгиланди. Шу каби замонавий ҳамда янги механизмлар билан такомиллаштирилган ҳужжат сенаторлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

**Шухрат ЧЎЛЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Онлайн ялпи мажлисда юқори палата аъзоларининг парламент назорати фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилувчи қонун ҳам кўриб чиқилди. “Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун, аввало, парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятига оид бир қатор янгиликларни назарда тутади.

Мисол учун, ҳозирги кунга қадар Олий Мажлис палаталарида фақат Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитаётган бўлсак, эндиликда биз давлат органлари раҳбарлари билан бирга, хўжалик бошқаруви масъулларидан ҳам ўз ишига алоқадор масалалар ҳақида тегишли ахборотни эшитишимиз мумкин бўлади.

Қонунларга киритилаётган янгиликлардан бири — парламент назоратининг тури ҳисобланмиш парламент текшируви институтини жонлантириш ва кенгроқ қўллаш амалиётини жорий этиш ҳисобланади.

Бу ҳам жойларда сенатор сўрови институтидан кенгроқ фойдаланиш, бизга турли муаммолар, зарур масалалар юзасидан мурожаат қилаётган юртдошларимизга аниқ жавоблар ва ечимларни тақдим этиш имконини оширади.

**Ботир МАТМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:**

— Кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай, афсуски, ҳар йили дунё бўйича миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги таассуфланарли. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири — одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги. Ачинарлиси, ўзга давлат, бегона муҳитга тушиб қолганлар даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этиляпти.

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланаётир. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, бундай жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошади. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалардир.

Шу рақамларнинг ўзи ҳам, бу борадаги вазият нақадар жиддий эканлигини кўрсатади. Янги таҳрирдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга хизмат қилади. Боиси бугун юртимизда 100 га яқин нодавлат ташкилотлар одам савдосига қарши курашиш йўналишида фаолият кўрсатяпти.

Қонунда давлат органларига кўмаклашувчи ташкилотлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам белгиланиб, уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ очиб берилмоқда.

Шу билан бирга, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, жабрланганлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш ва уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ҳамда бошқа қонуний кафолатлар батафсил тушунтирилган.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:**

— Сенаторлар томонидан Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи ҳам эшитилди.

Албатта, Ҳукумат томонидан 163 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда 121 та чора-тадбирлар дастурлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган Дастур ижросини таъминлаш ҳамда доимий мониторинг қилиб бориш юзасидан яхлит тизим яратилган.

Аммо бугун бутун дунёда кузатилаётган коронавирус пандемияси оқибатида мамлакатимизда ҳам иқтисодиёт тармоқларидаги ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайди. Хусусан, республикамизда экспорт ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 22,6 фоиз қисқарган.

Бу масаланинг бир томони. Яна бир томони борки, ана шундай оғир шароитда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича етарлича чоралар кўрилмагани сабабли аҳоли орасида айрим эътирозлар юзага келаётгани ҳам бор гап.

Айниқса, дори-дармонларнинг нархлари асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш, электрон назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича вазифалар ижроси талаб даражасида таъминланмагани танқид остига олинди.

Мамлакатимиздаги эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, коронавирус билан касалланган фуқароларга зарур тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолига карантин талабларини мунтазам тушунтириш ва бу жараёнда жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун жойларда маҳалла идораларининг иштирокини кескин кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ўйлаймизки, Ҳукумат аъзолари бундан ўзлари учун зарур хулоса чиқаради.

**«Халқ сўзи».**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ҚАЙ ДАРАЖАДА ОШМОҚДА?

1

Вазир депутатлар эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Шу йилнинг 11 июль куни Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки ўртасида мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш учун умумий қиймати 500,0 млн. доллар миқдорида қарз битими имзоланган. Ушбу маблағ энг катта инвестиция ҳисобланади. Қайд этилганидек, мазкур лойиҳа доирасида Бухоро ва Хоразм вилоятларида қуввати 200 минг тоннадан бўлган 2 та агрологистика комплекси қурилиши учун 35 млн. доллар маблағ жалб этиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, жорий йилда лойиҳа қиймати 837 млрд. сўм бўлган 246 та музлаткичли омборхона бунёд этилади ва 1,9 мингта иш ўрни яратилади. Бунинг натижасида шу йил охирига келиб, жами мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг умумий қувватини 1,1 млн. тоннага етказиш чоралари кўрилади. Ушбу сақлаш қувватларидан бир йилда камида икки марта фойдаланиш орқали 1,9 млн. тонна (8 фоиз) маҳсулотни сақлаш имконияти мавжуд.

Бироқ юқоридаги самарали ишлар амалга оширилишига қарамай, бугунги кунда ушбу қувватлардан 350 — 400 минг тоннага (30 — 40 фоиз) ёки бир мавсум давомида фойдаланиб келинмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини тизимли сақлаш ва экспорт қилиш механизми яхши шаклланмаган.

Шундан келиб чиқиб, вазирлик томонидан совиткичли ва сақлов омборхоналари тизимини рақамлаштириш ҳамда омборхоналардан самарали фойдаланишга оид онлайн платформани яратиш бўйича иш ташкил этилмоқда. Ушбу тизим маҳсулот етиштирувчи, сақловчи ва экспорт қилувчи тадбиркорлар интеграциясига ҳамда онлайн режимда республиканинг барча ҳудудида мавжуд омборхоналар, уларда сақланаётган маҳсулотлар ҳақида керакли маълумотларни олишга пухта замин яратади.

Депутатлар жорий йилда барча тоифадаги ишлаб чиқарувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ички истеъмолни таъминлаш, экспорт қилиш ва уларнинг захирасини яратиш юзасидан қандай чоралар кўрилаётгани билан қизиқдилар.

Вазирнинг айтишича, республика аҳолисининг арзон ва сифатли мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини барқарор таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, 2020 йил ҳосили учун 2019 йил август-сентябрь ойларида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда ноябрь-декабрь ойларида тўқсонбости усулида жами 206,7 минг гектарга сабзавот экинлари экилган. 2020 йил баҳор ойларида фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами 387,8 минг гектарга экинлар экилиши таъминланган.

Ҳозир ҳудудларда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экиш ишлари якунланмоқда. Шу йил 4 август ҳолатига жами 731 минг гектар (85 фоиз) майдонга такрорий экинлар экилган. Экспорт бўйича 2020 йилнинг биринчи ярмида 481,2 млн. доллар қийматидаги 761,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган.

Жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида экспорт бозорларини диверсификация қилиш мақсадида Экспортни рағбатлантириш агентлиги кўмагида юқори тўлов қобилиятига эга ташқи бозорлар географиясини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Франция, АҚШ, БАА, Нидерландия ва Грузия каби давлатларга жами 8 млн. долларлик, яъни ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2 млн. долларга кўп мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган.

Бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳам халқ вакилларини қизиқтирган саволлардан бири бўлди.

Вазир бу масалага батафсил тўхталиб, ушбу йўналишда бугунги кунда органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича агрокластерлар ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда иш олиб борилаётганини таъкидлади. Ҳозирги кунга қадар жами 315 та қишлоқ хўжалиги корхонаси ва фермер хўжалиги томонидан халқаро сифат стандартлари мувофиқлик сертификатлари олинган.

Шу билан бирга, 2020-2021 йил қиш-баҳор мавсумида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камабағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда умумий прогноз ҳажмлари ишлаб чиқилди. Унга кўра, республикада жами 556,8 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, яъни 300 минг тонна картошка, 137 минг тонна сабзи, 68,5 минг тонна гуруч ва 51,3 минг тонна пиёз жамғариш режалаштирилган.

Барчамизга аёнки, сўнгги йилларда картошкага бўлган талаб ортмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, “Ҳукумат соати”да ички бозорда картошка нархи ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг 26 та тумани истеъмол картошкаси ва 16 та тумани уруғлик картошка етиштиришга, Жиззах вилояти ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилаётгани алоҳида қайд этилди.

Депутатлар “Ҳукумат соати”да муҳокама қилинган масала юзасидан ўзларининг таклиф ва тавсияларини ҳам билдириб ўтдилар. Муҳокамалар сўнгида мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҚОНУН РАД ЭТИЛДИ, БУНГА НИМА САБАБ БЎЛДИ?

*Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида янги таҳрирдаги “Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинар экан, сенаторлар қонунни тамомила қайта кўриб чиқиш зарур, деган хулосага келишди. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бор.*

## Сенатор мушоҳадаси

Қайд этиш лозим, мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти географияси сезиларли тарзда йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида экспортбоп маҳсулотларни янада кўпроқ етиштириш, уларни турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишни тақозо этади.

Бунда тегишли соҳаларнинг қонунчилик асосларини ҳамда масъул давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган. “Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳам шулар жумласидандир.

Бироқ бугунги давр ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари, қишлоқ хўжалигига оид замонавий тенденциялар мазкур қонунни такомиллаштиришни тақозо этади.

Янги таҳрирдаги “Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг мақсади мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, уни ҳозирги замон талаблари асосида ривожлантириш ва бу борада истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашдан иборат.

Қонун Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари ва экспертлар иштирокида ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Натижада қонунни тамомила қайта кўриб чиқиш зарур, деган хулосага келинди.

Сабаби қонунда ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий бирикмалар, қўллаш учун тавсия этилган кимёвий ҳамда биологик воситалар, ўғитлар ва бошқа препаратларнинг рўйхати, асосий мезон ҳамда меъёрлари, шунингдек, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш усуллари очиб берилмаган.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш объектлари ҳамда субъектларини аниқлаш, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қишлоқ хўжалигида халқаро талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни етиштиришда пестицидларнинг стандарт меъёрларини таъминлаш мақсадида радиологик, токсикологик кузатув ва ташхисларга оид масалалар акс эттирилмаган.

Бундан ташқари, қонунда янги пестицидлар ҳамда агрокимёвий воситаларни рўйхатга олиш ва воситани Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат бериш талаблари баён этилмаган.

Энг муҳими, қонун нормаларини ўсимликлар карантини ҳамда уларнинг муҳофазаси тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиш лозим.

Қонунда тартибга солинадиган жамоатчилик муносабатларининг муҳимлиги ҳамда аҳамиятини эътиборга олиб, бизнинг қўмитамиз ушбу қонун концепциясини қайта кўриб чиқишни, халқаро нормаларни имплементация қилиб, уни такомилига етказишни лозим, деб топди. Шунингдек, амалдаги қонунларни хатловдан ўтказиш ва уларга ушбу қонуннинг қоидаларини киритиш ҳамда шу орқали такрорланишнинг олдини олишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

# АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ТЕСТ СИНОВЛАРИ 2 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

1

Ота-оналар учун кутиш жойлари, шифокорлар учун ҳам қулайликлар ҳозирланади.

Брифингда стадионларда кузатув камералари, албатта, бўлиши, ҳар бир абитуриент ва кузатувчининг хатти-ҳаракатлари суратга олиниши ҳамда телевидение орқали бериб борилиши айтиб ўтилди.

Имтиҳонларни назорат қилиш жараёни қандай ташкил этилиши ҳақидаги саволга: “Ичкаридаги ҳолатга Давлат тест маркази, имтиҳон топшириладиган объект ҳудудига кириш жараёни учун эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъул”, деб жавоб қайтарилди.

— Бундан хавотир олиш керак эмас, — деди Давлат тест маркази Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Барно Ражабов. — Бир абитуриентнинг ўрнига бошқаси киришига йўл қўйилмайди. Ҳар бир столда абитуриентлар учун жавоб варақасини тўлдириш бўйича кўрсатмалар бўлади. Стадионлар табло, овоз кучайтиргичлар билан таъминланади, тест вақти қачон тугаши ҳақида маълумот олиш имконияти бўлади.

Асосли сабаблар туфайли имтиҳонларда қатнаша олмаган абитуриентлар учун тест синовлари тугагач, 4 кундан кейин ушбу жараён қайта ташкил этилиши режалаштирилган. Абитуриент тест синовларига келган вақтида иситмаси бўлса, шифокорлар томонидан тегишли равишда текширув ташкил этилади. Агар унда коронавирус инфекцияси аниқланмаса, тест синовлари тугагач, ўтказиладиган имтиҳонда қатнашиш имконияти берилади. Коронавирус аниқланган абитуриентлар эса бу йилги тест синовларига қўйилмайди. Ушбу инфекция билан касалланган абитуриентлар имтиҳонда қатнашиши учун коронавирусдан соғайганлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши лозим бўлади.



Барно Ражабовнинг қўшимча қилишича, коронавирусга чалингани туфайли олий ўқув юртига кириш имтиҳонида иштирок эта олмаган абитуриентларнинг тест синовлари учун тўлаган пулларини қайтариш чоралари кўрилмоқда. Давлат қабул комиссияси баённомасига ушбу масала бўйича таклиф киритилган.

Брифингда тест синовлари 2 сентябрдан бошланиши, 14 кун давом этиши, натижаларни эълон қилишда ўзгариш бўлмаслиги, худди ҳар йилгидек тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига абитуриентнинг шахсий саҳифасида эълон қилиниши айтиб ўтилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ўктам Саломов 2, 3, 4-босқич талабалари учун янги ўқув йили 2 сентябрдан онлайн тарзда ташкил этилиши, 1-курс талабалари учун эса 1 октябрдан, агар эпидемиологик ҳолат яхшиланмаса, улар ҳам масофавий таълим тизимига ўтказилиши мумкинлигини қайд этди.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонлари стадионларда ўтказилади

1

**Иномжон МАЖИДОВ,**
**олий ва ўрта махсус таълим вазири:**

— Ушбу мажлис иккита муҳим масалага бағишланди ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар Президентимиз томонидан аниқ, равшан белгилаб берилди.

Биринчиси, бу олий таълим муассасаларига бўладиган тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ. Яъни улар қачон ўтказилади, қанақа шаклда ўтказилади, деган масала кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари пандемия, карантин чекловлари шароитида хавфсизлик, транспорт масалаларида абитуриентлар, ота-оналарга зарар етказмайдиган шарт-шароитлар яратиб, ишни ташкил этиш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Иккинчи масала ўқув йилини бошлаш билан боғлиқ. Хўш, тест ўтади, янги ўқув йили эса яқинлашиб келяпти. Ўқув йилини қачон ва қандай бошлаймиз, бу борада дунё давлатлари қандай йўл тутяпти, деган масала кўриб чиқилди. Президентимиз бунда шошилмасдан, пухта ўйлаб, бошқа давлатлар қандай йўл тутаётганини чуқур ўрганиб, қарор қабул қилиш лозимлигини айтиб ўтди. Мавжуд муаммолар ҳам кўтарилди. Таълим тизими самарадорлигини оширишда интернетнинг ишлаш тезлиги масаласи ҳали ҳам муаммо эканлиги қайд этилиб, уни самарали ҳал қилиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

**Мажид КАРИМОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори:**

— Давлатимиз раҳбари йиғилишда олий таълим муассасаларига кириш учун имтиҳонларни қай тартибда ташкил этиш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифаларни ечиш учун йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Жорий йилда ҳеч қачон бўлмаган, яъни аввалгига нисбатан 40 фоиз кўп — қарийб 1 миллион 484 мингдан зиёд абитуриентлар рўйхатдан ўтказилди. Улардан 1 миллион 361 мингдан зиёди тест синовида қатнашиши кўзда тутиляпти.

Хўш, мана шундай катта контингентдаги абитуриентлар учун тест синовларини ташкил этишда нималарга аҳамият бериш керак?

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда тўхталар экан, бугунги мураккаб ҳолатда аҳоли саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, тест жараёнида абитуриентларнинг максимал тарзда ўзларини эркин тутиб, билимларини тўлиқ намоён эта олиши учун шарт-шароитларни мукаммал яратиш лозимлигини таъкидлади. Мана шу жараённи бекаму кўст, сифатли ва юқори даражада ташкил этишни ҳаммамизга вазифа сифатида белгилаб, унинг ташкилий механизмларини ҳам кўрсатиб ўтди. Жумладан, ёпиқ бинолар эпидемиологик талабга жавоб бермаслигини, ижтимоий масофага риоя қилинган тақдирда имтиҳонлар вақти анчага чўзилиб кетишини инобатга олиб, тест синовларини Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларидаги стадионларда ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — —

**Гулчеҳра РИХСИЕВА,**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори:**

— Давлатимиз раҳбари имтиҳон жараёнларини ҳар бир абитуриент ва ота-оналар учун мақбул тарзда ўтказишга олий таълим муассасалари жамоалари ҳисса қўшиши лозимлигини таъкидлади.

Жумладан, абитуриентларга тест синовларининг ташкил қилиниши юзасидан зарур маълумотлар акс этган тўлиқ хабарномаларни ўз вақтида етказиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди. Албатта, бу топшириқларни талаб даражасида бажарамиз.

Йиғилишда янги ўқув йилини сифатли уюштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Пандемия туфайли ўтган ўқув йилида онлайн дарсларни, диплом ҳимояларини ташкил этиш бўйича муайян тажриба тўпланди, дейиш мумкин. Лекин интернет ишлаш тезлигининг мамлакатимиз ҳамма ҳудудларида ҳам бир хил эмаслиги баъзи муаммоларни келтириб чиқаргани рост.

Шу боис йиғилишда давлатимиз раҳбарига янги ўқув йилида ҳам онлайн дарслар ташкил этадиган бўлсак, чекка ҳудудларни ҳам интернет билан таъминлаш, талабаларга арзонлаштирилган трафиклар ажратиш юзасидан мурожаат қилдим. Президентимиз тегишли мутасаддиларга бу бўйича топшириқ берди. Ўйлайманки, барча мутасаддилар масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда таълимга дахлдор ушбу вазифаларни амалга ошириш йўлида бир ёқадан бош чиқариб, ички фидойилик билан ҳаракат қилади.

**«Халқ сўзи».**

# БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ҲОЛАТИ

1

Депутатлар дастур ижроси доирасида божхона постларида божхона, ветеринария, фитосанитария, санитария-карантин органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш, чегарада логистика марказлари ҳамда мультимодал комплексларни ташкил этиш орқали товарларни тўғридан-тўғри республиканинг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида олиб чиқиш имкониятини яратиш юзасидан кўрилаётган чоралар билан қизиқдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур йўналишда “ягона дарча” божхона ахборот тизимидан самарали фойдаланилиб, фаолият ҳамда тақдим этилувчи рухсатномалар рўйхати янада кенгайтирилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида ДБҚнинг расмий веб сайтидаги “Ўзбекистондан экспорт қилинган товарлар тўғрисида маълумот” интерфаол хизмати орқали ўзларига керакли маълумотларни уйидан туриб олиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, ДБҚ томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан ҳамкорликда ташқи савдо юклари ортилган темир йўл таркибидаги вагон ва контейнерларнинг ички ҳудудлардаги ҳаракати, улар турган темир йўл станцияси тўғрисида электрон маълумотларни божхона органига реал вақт режимида мавжуд ахборот тармоғи орқали тақдим қилиш тизими жорий этилмоқда.

Дастур ижроси доирасида чегара божхона постларини замонавий технологиялар билан босқичма-босқич таъминлаш амалга оширилиб, чегара ўтказиш пунктлари 2 дона инспекцион кўрик мажмуаси, инсон танасини сканер қилувчи 15 та қурилма, 4 та портал монитор, 15 дона автотарози, 85 дона металлизлагич, 52 дона тепловизор, 20 та тиббиёт хонаси ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланган.

Бу, ўз навбатида, чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларининг божхона назорати ҳамда расмийлаштируви жараёнини соддалаштириш, унга сарфланадиган вақтни янада қисқартириш имконини бермоқда.

Қуйи палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари Давлат дастури ижросини ўз вақтида таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, мазкур йўналишда айрим камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратдилар. Хусусан, депутатлар томонидан божхона маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш борасида белгиланган вазифаларнинг айрим бандлари ижроси юзасидан танқидий фикрлар билдирилди.

Якунда Давлат дастурида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда соҳада парламент назоратини тизимли равишда давом эттириш бўйича Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази Бош прокурор Ниғматилла Тўлқинович Йўлдошевга онаси
**САИДА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бунёдкорлик:

# УЛКАН САЛОҲИЯТ, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

◀ 1

### Статистика нима дейди?

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, шу йилнинг январь — июнь ойларида мамлакатимизда жами 43 017,1 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш таъминланган.



Шунингдек, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 38,7 мингтани ташкил этмоқда, яъни бу йил улар сони 6,3 мингтага кўпайган.

Хўш, нима учун қурилиш билан шуғулланувчи корхоналар сони ошган? Ахир қурилиш осон иш эмас-ку?!

Бу энди, бозор талаби: қурилиш ишлари ҳажми кўпайяптими, табиийки, қурувчиларга ҳам эҳтиёж ортади.

Яна бир эътиборли жиҳати, республикада сони бўйича энг кўп улушга эга бўлган қурилиш корхоналари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишларнинг жами қурилиш ҳажмидаги энг кўп улушида ҳам пойтахтимиз етакчи. Ҳудуддаги жами қурилиш ҳажмининг 25,8 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ҳам бу борада илғор.

Республикамиздаги бунёдкорлик жараёнида кичик корхона ва микрофирмалар ҳам анча фаол. Хусусан, жами қурилишда уларнинг ҳиссаси 54,8 фоизни ташкил этмоқда. Норасмий сектор улуши эса 16,2 фоиздан иборат.

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари қанчалик кенгайиб бораётганини ушбу рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Зотан, мазкур йўналишда ўсиш кузатилмоқда. Бунинг самарасини эса барчамиз ён-атрофимизда қад ростлаётган иморатлар салобати, кундан-кунга чирой очиб бораётган замонавий мавзелар қиёфаси мисолида кўриб турибмиз. Муҳими, улар одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун хизмат қилмоқда.

### Бугун эски лойиҳалар билан ишлаб бўлмайди

Мамлакатимизни улкан қурилиш майдонига қиёсласак, арзийди. Бинобарин, жадал бунёдкорлик ишлари туфайли замонавий тураржойлар, ижтимоий объектлар қад ростлаяпти. Янги мавзелар вужудга келаётир. Лекин бугун, айтиб ўтганимиздек, қурилишда янгича ёндашув талаб этилмоқда.

— Ушбу йўналишдаги ишлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида, — дейди Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Ботир Зокиров. — Шу боис ҳар гал ҳудудларга ташриф буюрганида, ўтказилган йиғилишларда қурилиш жараёнига ҳам алоҳида тўхталиб, ўз фикрларини беради. Мутасаддилар зиммасига топшириқлар юкланади. Хусусан, шу йилнинг 20 июлида қурилишга оид бўлиб ўтган йиғилишда бир қатор тақдимотлар қилдик. Булар борасида тегишли кўрсатма ва топшириқларни олдик.

Таъкидлаш жоизки, вазирлигимиз томонидан архитектура ва қурилиш борасида кўп ишлар амалга оширияпти. Лекин бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган юмушлар ҳам талайгина. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда 32 мингта қурилиш-пудрат ташкилоти мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммасини талабларга мос фаолият юритяпти, деб бўлмайди. Тендер жараёнлари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Шу боис жорий йилнинг 1 сентябрига қадар қурилиш ташкилотлари молиявий кўрсаткичлари, тўлов қобилияти, давлат харидлари, ишчи-ходимлар малакаси каби маълумотларни қамраб олувчи ягона платформа ишга туширилади. У 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳрида, кейинги йил бошидан эса республика бўйича жорий этилади. Бу тендер жараёнида шаффофликни таъминлайди. Чунки таҳлилларга кўра, сўнгги икки йилда давлат дастурлари доирасида 3 мингдан зиёд қурилишлардан атиги 182 тасида тендер ўтказилган, холос.

Маълумки, 2021 йил 1 январдан бошлаб меҳнат дафтарчаси тўлиқ электронлашмоқда. Бу бизнинг рейтинг тизимимизга ҳам боғланади. Ҳар бир корхонада ишлаётган ходимларнинг билими, сертификати ҳақида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бизга электрон кўринишда маълумотлар тақдим этилади. Бундан ташқари, рейтинг тизими Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан ҳам боғланган бўлиб, ҳар бир қурилиш корхонаси ҳақидаги солиқ тўлови ҳамда қилинган ишлар ҳақидаги маълумотлар тизимга электрон кўринишда келиб тушади. Ушбу ташкилотлар ўзларининг бир ой давомида қилган ишлари, айланма пул маблағлари ҳақида тақдим этган маълумотлари юқоридаги қўмиталар томонидан рейтинг тизимига мунтазам киритиб борилади. Худди шу мезонлардан келиб чиқиб, пудрат ташкилотлари баҳоланади ва рейтинг кўрсаткичлари асосида танлов савдоларида иштирок этиши мумкин бўлади.

Энди пудрат ташкилоти буюртмачи томонидан белгилаб берилмайди, балки шаффоф электрон тизим орқали энг муносиби танлаб олинади. Демак, рақобат кучайиб, пудрат ташкилотлари рейтингда юқори кўрсаткичларга эришиш учун ҳаракат қиладилар. Ҳозирги кунда пудрат ташкилотларига буни эълон қилиш, уларни бунга тайёрлаш, ўқитиш, малакасини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Илғор давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, пудрат ташкилотлари ишчи-мутахассисларини ўқитиш, малакасини ошириш ва шу орқали уларнинг рейтингда яхши натижалар кўрсатишига эришиш асосий мақсад қилиб олинган. Йил якунига қадар бу борадаги ишларни вазирлик таркибидаги ўрта махсус таълим масканлари билан ҳамкорликда бутун республика ҳудудини қамраб олган ҳолда тўлиқ амалга оширамиз.

Бугун ҳар бир соҳада рақамлаштириш давр талабига айланмоқда. Шундан келиб чиқиб, рақамлаштириш орқали қурилиш объектларидаги сифатни назорат қилишга ўтяпмиз. Яъни ҳозир ҳар бир лойиҳа рақамлаштирилган ҳолда кўриб чиқиляпти. Ҳар бир лойиҳа экспертизасининг ягона базаси яратилади. Экспертизадан ўтказилган ҳар бир лойиҳа ушбу базада сақланиб қолади ва уни хоҳлаган киши хоҳлаган пайтда кўра олади. Бу нима беради? Бу ҳар бир экспертнинг жавобгарлигини оширади ва шаффофликни таъминлайди. Коррупциянинг олдини олади. Ва энг асосийси, лойиҳалар экспертларга бир хил тақсимланади. Масалан, Тошкентдаги бир лойиҳани, агар шаҳар экспертлари банд бўлса, уни республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги экспертга бандлик даражасига қараб жўната оламиз. Бу ишларни айнан қайси эксперт қилаётгани билдирилмайди. Яъни лойиҳачи билан бевосита мулоқот қилиш имкони бўлмайди. Бунда альбомлар тайёрлашга ҳожат қолмайди. Электрон имзо бўлади. Лойиҳалардаги камчиликлар ҳам электрон шаклда аниқ-равшан кўриниб туради. Демак, лойиҳалар экспертизаси тезлашиб, сифати ошади. Хизмат арзонлашиб, вақт тежалади.

Хуллас, бугун тизимда янгиликлар кўп. Бундан кўзланган мақсад эса таъкидлаганимиздек, қурилиш ишларини сифатли амалга ошириш, аҳолига қулайлик яратишдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА ЎРНИДА




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6